




Научно-практический электронный журнал

МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА

ISSN 2658-7998



Выпуск №77 (том 1)
(октябрь, 2025)



Международный научно-практический
электронный журнал «МОЯ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: mpcareer.ru

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №77 (том 1) (октябрь, 2025).

Дата выхода в свет: 31.10.2025.

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ МЕДИЦИНЫ В РЕСПУБЛИКЕ СЕВЕРНАЯ ОСЕТИЯ – АЛАНИЯ Хестанова К.В., Джиоева Д.С.	81
ИНТЕГРОДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫЕ УРАВНЕНИЯ ВОЛЬТЕРРА- ФРЕДГОЛЬМА Хайдарова О., Хайдарова М.	90
ОДНОЗНАЧНАЯ РАЗРЕШИМОСТЬ ИНТЕГРОФУНКЦИОНАЛЬНОГО УРАВНЕНИЯ ВОЛЬТЕРРА Хайдарова О., Хайдарова М.	93
ПОЛЕЗНЫЕ ИСКОПАЕМЫЕ ТУРКМЕНИСТАНА Мурадова А.Ё., Мурадова О.Ё.	96
ПРИМЕНЕНИЕ МЕТОДА ТРАЕКТОРИЙ ПРИ РЕШЕНИИ ЗАДАЧ КОМБИНАТОРИКИ Какалыев Б.А., Аннагылыджова М.Б., Гелдиева Г.А.	99
СИСТЕМА МАССОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ И ЕЁ ПРИЛОЖЕНИЯ Какалыев Б.А., Егендурдыев Г.Х., Аннагылыджова М.Б.	103
УСТАНОВЛЕНИЕ ЖИЛИЩНЫХ СУБСИДИЙ НА ОСНОВАНИИ РЕГИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА Гладких У.А.	106
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ, ТАДБИРКОРЛИКНИ ТЕНГ РАҚОБАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ ҲАМДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ УЛУШИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	114
МАМЛАКАТ АКЦИЯЛАР БОЗОРИДАГИ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	121
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ЛОГИСТИКА СОҲАСИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ Олтаев Ш.С.	129
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ПЛАСТИК КАРТАЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	135
МАМЛАКАТДА САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШИШИНИНГ МОЛИЯ БОЗОРИГА ТАЪСИРИ Олтаев Ш.С.	143
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ВРЕД, ПРИЧИНЕННЫЙ НАРУШЕНИЕМ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА Бузмакова Д.С.	148
УДЕРЖАНИЕ ВЕЩИ КАК СПОСОБ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ ПО ДОГОВОРАМ АРЕНДЫ ПОМЕЩЕНИЙ: ПРОБЛЕМЫ ТЕОРИИ И ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКИ Васильева О.Р.	157
ТРАДИЦИИ И КУЛЬТУРА – ДУХОВНЫЕ КОРНИ ТУРКМЕНСКОГО НАРОДА Сулейманлы Н., Худайбердыева М.Ч., Мовламов Я., Гельдиев А.	164
ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО СТАТУСА АПАРТАМЕНТОВ И ИХ СООТНОШЕНИЕ С ЖИЛЫМИ ПОМЕЩЕНИЯМИ Гоглева А.А., Верхорубов И.Н.	168



УДК 33

Олтаев Ш.С.

СамИСИ доценти, и.ф.н.

МАМЛАКАТДА САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШИШИНING МОЛИЯ БОЗОРИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон иқтисодиётида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ва унинг молия бозори ривожига кўрсатаётган таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқотда 2017–2021 йиллар давомида ялпи ички маҳсулот таркибидаги ўзгаришлар, тармоқлар бўйича қўшилган қиймат улуши, ҳудудлар кесимида саноат фаолияти индекслари асосида иқтисодий ўсиш омиллари кўриб чиқилган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодий ўсишда энг катта улуш саноат тармоғига тўғри келади. Шу билан бирга, саноат ривожланиши ҳудудий номутаносибликни камайтириш, молия бозорида инвестицион фаолликни ошириш ва янги молиявий инструментларни шакллантиришда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Калит сўзлар: саноат маҳсулотлари, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), молия бозори, инвестиция сиёсати, саноат фаоллиги, ҳудудий ривожланиш, иқтисодий ўсиш

Иқтисодиётнинг юқори унумдор тармоқларини ривожлантириш орқали тараққиётга эришиш концепциясининг назарий-услубий асослари 1950 йиллардан яратила бошлади. Бундай адабиётлар контекстида унумдорлик юқори тармоқ сифатида саноат комплекси назарда тутилади. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини 22-мақсадида миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробарга ошириш назарда тутилган.

Сўнгги беш йилликка назар ташланса, Ўзбекистон иқтисодиётида



сезиларли таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. ЯИМ таркибида маҳсулотларга соф солиқларнинг улуши 3,8 фоиз бандига камайиб, тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 92,8 фоизга етди. Бу эса мамлакатда ишлаб чиқариш жараёнини рағбатлантиришга қаратилган молиявий сиёсат юритилаётганидан далолат беради (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички мадсулоти таркиби, фоиз

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
ЯИМ, жами	100	100	100	100	100
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	89,0	89,3	91,5	92,6	92,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	11,0	10,7	8,5	7,4	7,2
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	100	100	100	100	100
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	32,2	30,0	26,9	27,1	26,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	26,5	31,1	34,4	34,2	34,5
Саноат	21,1	25,3	28,1	27,5	27,8
қурилиш	5,4	5,8	6,3	6,7	6,7
Хизматлар	41,4	38,9	38,7	38,7	38,6

Манба: статистика агентлиги маълумотлари

Ўзбекистонда ЯИМ 2017-2021 йилларда 127,2 фоизга ўсиб, унда тармоқларнинг ялпи қўшилган қийматининг ўсиши 127,3 фоизни ташкил этди. Ўсиш декомпозицияси таҳлил қилинса, саноат қурилишни қўшган ҳолда ўсишнинг 63,8 фоизи, хизматлар соҳаси 28,7 фоизи ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 7,6 фоизини таъминлаган. Таҳлил даврида иқтисодий ўсишга энг кўп ҳиссани саноат тармоғи қўшган бўлиб, бу ҳолат бевосита ЯИМ таркибида тармоқ улушининг кескин ортиши билан боғлиқ. Иқтисодий ўсишни таъминлашдаги саноат тармоғининг бундай доминант позицияси унинг бугунги кунда мамлакатдаги аҳамиятини кўрсатади.

Ўзбекистон ҳудудларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаоллиги саноат маҳсулоти ҳажми ва ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари асосида баҳолаш мумкин (2-жадвал).



Ўзбекистон ҳудудларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаоллиги

Кўрсаткичлар Худудлар	Ўсиш субиндекси			Ҳажм субиндекси			Фаоллик индекси		
	Йиллар								
	2019	2020	2021	2019	2020	2021	2019	2020	2021
Корақалпоғистон Республикаси	0,20	0,19	0,37	0,12	0,11	0,12	0,15	0,14	0,21
Андижон	0,56	0,21	0,35	0,20	0,18	0,13	0,33	0,19	0,21
Бухоро	0,28	0,36	0,25	0,13	0,09	0,08	0,18	0,18	0,14
Фарғона	0,50	0,20	0,32	0,15	0,16	0,15	0,27	0,17	0,21
Жиззах	0,21	0,49	0,46	0,01	0,01	0,02	0,08	0,18	0,17
Наманган	0,28	0,43	0,55	0,07	0,10	0,12	0,14	0,22	0,27
Навоий	0,23	0,52	0,20	0,47	0,57	0,51	0,38	0,56	0,40
Қашқадарё	0,02	0,29	0,60	0,42	0,18	0,25	0,28	0,22	0,37
Самарқанд	0,21	0,32	0,44	0,10	0,10	0,10	0,14	0,18	0,22
Сирдарё	0,29	0,32	0,53	0,16	0,15	0,16	0,21	0,21	0,29
Сурхондарё	0,35	0,28	0,46	0,02	0,02	0,01	0,14	0,11	0,17
Тошкент	0,30	0,26	0,47	0,61	0,59	0,61	0,50	0,47	0,56

Ўсиш субиндекси бўйича таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида тадқиқ қилинаётган даврда жадал суръатларда ўсиш кузатилган. Пандемия даврида субиндекснинг қийматлари 7 та ҳудудда рақам йилга нисбатан камайган. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи ҳудудларнинг 2 таси (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти)да ҳам пасайиш кузатилган. 2021 йилга келиб Хоразм, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари бу кўрсаткич бўйича етакчи ҳудудларга айланишган.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми субиндекси бўйича Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятлари етакчи ҳудудлар сифатида қайд этилган. Наманган ва Қашқадарё вилоятларида бу субиндекс бўйича ҳам ўсиш кузатилган. Таҳлил даврида ҳудудлараро рейтингда Қашқадарё вилояти 4-ўринда сақланиб қолган бўлса, Наманган

Тадқиқот натижасида аниқланган фаоллик индекси таҳлиliga кўра, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятлари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг фаол ҳудудлар ҳисобланади. Шунингдек, таҳлил даврида Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм ва Наманган вилоятларида саноат фаоллиги ортиб,



рейтингда юқорироқ поғоналарга кўтарилган. Энг катта ўзгариш Наманган вилоятида содир бўлиб, худуд фаоллик бўйича рейтингда 5 поғонага (6-ўрин) юқорилаган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, яқин истиқболда мазкур худудларни мамлакатнинг саноат тармоғидаги юқори салоҳиятга эга худудларга айлантириш имконияти юқори.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мазкур услуб ёрдамида нафақат саноат ишлаб чиқариш бўйича етакчи худудлар, балки келажакда мамлакат саноатига юқори ҳисса қўшиши мумкин бўлган потенциал худудларни ҳам аниқлаш мумкин. Бизнингча, бу йўналишдаги таҳлиллар натижасидан минтақавий сиёсат ва худудий инвестиция дастурларининг устувор йўналишлари, худудлар саноатининг барқарор ривожланаётган соҳаларини аниқлаш ва уларни молия бозорини ривожлантиришнинг драйвери сифатида белгилаш мақсадларига хизмат қилади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги №ПФ-60 сонли Фармони.
2. Lewis W.A. Economic development with unlimited supplies of labor //Journal of the Manchester school of economics and social studies. - 1954. № 22(2), P. 139-191.
3. Fei J.C.H., Ranis G. A theory of economic development. // The American Economic Review. - 1961. № 51(4), P. 533-565.
4. Baumol W. Macroeconomics of unbalanced growth: the anatomy of urban crisis //American Economic Review. - 1967. № 57(3), P. 415-426.
5. Ковалева Е.Б., Пыткина С.А. Промышленное производство как приоритетное направление развития региональных пространственно-отраслевых структур в рыночной среде // Вопросы инновационной экономики. - 2021. - Том 11. - № 2. - С. 613-626. doi: 10.18334/vines.11.2.112108



6. Hakimovich, B. A. (2021). Measures to Increase the Popularity Of Banking Services. *International Journal of Modern Agriculture*, 10(2), 3943-3949.
7. Эркаева, Г. П., & Жаҳонгиров, Ш. (2023). Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва тартибга солишнинг назарий асослари. *Innovative Development in Educational Activities*, 2(2), 115-120.
8. Эркаева, Г. П., & Рўзикулов, С. З. (2022). Инсон капиталини шаклланиши, ривожланиш даражалари ва инсон капиталини инвестициялаш. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 225-229.
9. Шукуров, У., & Кадиров, А. Роль и место промышленного комплекса Кашкадарьинской области в экономике Республики Ўзбекистон. *Экономика*, (6), 364-369.

© Олтаев Ш.С., 2025